

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ҚАРШИ МУҲАНДИСЛИК ИҚТИСОДИЁТ ИНСТИТУТИ

«Муҳандис – техника» факультети

**«Гидротехника иншоотлари ва насос станциялардан фойдаланиш»
кафедраси**

**«Гидротехника иншоотлари ва насос станциялардан фойдаланиш»
йўналиши бўйича бакалавр даражасини
олиш учун**

БИТИРУВ МАЛАКАВИЙ ИШИ

**Мавзу: Наманган вилоятидаги “Жийдалисой” сув омборидан
фойдалаништадбирларини ишлаб чиқиш**

Раҳбар:

Муродов Н.Қ

Бажарди:

Хужамбердиев А.

«Химояга рухсат этилди»

**«Химоя учун ДАКга
юборилди»**

Кафедра мудири _____

**Факультет декани,
_____**

т.ф.н.,доц. Эшев С. С.

т.ф.н.доц. Алиқулов М.Н

«_____» _____ 2014 й.

«_____» _____ 2014 й.

Қарши 2014 йил

Мундарижа

Кириш.....	
1. Умумий қисм.....	
1.1. Жийдалисой сув омборининг жойлашган урни.....	
1.2. Иқлим шароитлари.....	
1.3. Геологик шароитлар.....	
1.4. Гидрогеологик шароитлар.....	
2. Техник эксплуатация қисми.....	
2.1.1. Туғон.....	
2.1.2. Сув чиқариш иншоотлари.....	
2.1.3. Катострофик сув ташлаш иншооти.....	
2.2. Гидрометрик пост мустаҳкамланган узан гидравлик ҳисоби.....	
2.3. Сув чиқариш иншооти унинг сув ўтказиш қобилиятини текшириш.....	
2.4. Сув ўтказадиган заминда бир жинсли дренаж тўғон филтрация ҳисоби.....	
2.5. Тўғон пастки қиялигининг устворликка текшириш.....	
2.6. Жийдалисой сув омбори гидроузели эксплуатация хизмати штати ва ходимларнинг лавозими ва мажбуриятлари.....	
2.6.1. Сув омбори гидроузели эксплуатация хизмати структураси ва эксплуатация хизмати штати.....	
2.6.2. Эксплуатация хизмати ходимларини лавозими ва мажбуриятлари.....	
2.7. Сув омбори гидроузели эксплуатация хизматининг асосий вазифалари.....	
2.8. Сув омбори иншоотларини беҳатар ишлашини назорат қилиш.....	
2.9. Сув омбори иншоотларини техник ҳолатини кузатиш.....	
2.9.1. Кўз билан кузатиш	
2.9.2. Туғон танаси ва заминидан сувни сузиб ўтишини кузатиш.....	
2.9.3. Сув омборининг иншоотларини силжишини кузатиш.....	
2.10. Туғон танаси ва заминининг чуқишини аниқлаш.....	
2.11. Сув омбори иншоотининг тамирлаш қайта ишлаш ишларини ташкил қилиш.....	
3. Гидротехника иншоотларини таминлаш ва қайта ишлаш меҳнат муҳофазаси.....	
3.2. Бетон ва монтаж ишларини олиб боришда хавфсизлик техникаларининг асосий қоидалри.....	
3.3. Ер ишларини бажаришда хавфсизлик техникасининг асосий талаблари.....	
4. Сув омборидан фойдаланишда атроф-муҳит муҳофазаси.....	
Хулосалар ва тавсиялар.....	
Адабиётлар.....	

Кириш

Мустақил Ўзбекистоннинг ўз истиқлолига эришган дастлабки кунлариданоқ мухтарам юртбошимиз Ислом Каримов раҳномалигида мамлакатимизда тинчлик ва барқарорликни таминлаш, ҳалқимизнинг эркин ва фаровон ҳаёт кечиришини таминлаш мақсадида барча соҳаларда кенг ислохотларни амалга ошириш бошланди.

Жўмладан, Республикамизда эр-сув ресурсларидан оқилона фойдаланиши гидротехника иншоотларини ишлатишни тўғри йулга қуйиш уларнинг хизмат қилиш муддатини узайтириш, хавфсизлигини таминлаш каби масалаларга жиддий этибор қарата бошланди. Бу борада кейинги йилларда Республикамизда қабул қилинган “Сув ва сувдан фойдаланиш тўғрисидаги” (1993) “Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тўғрисидаги” (1999) ги сингари қонун ҳужжатларни айтиб ўтиш мумкин.

Ўзбекистон Республикаси Призеденти Ислом Каримов 2015 йил 16 январда бўлиб ўтган Вазирлар Маҳкамасининг мажлисидаги маърузасида ўшбу масалаларга яна бир бор ўз диққат этиборини қаратди.

(1) Маълумки гидромелиратив иншоотлар тизими бу мураккаб сув ҳўжалиги мажмуасидир. У каналлар, иншоотлар, механизмлар, жиҳозлар, алоқа воситалари ва жуда кўплаб асосий элементлардан ташкил топган бўлиб улар ўзи хизмат қиладиган ҳўдуд бўйлаб жойлашган бўлади. Бундай тизимлардан фойдаланишни ташкил қилиш ирригация тизимлари хавза бошқармаси ва унинг таркибидаги ташкилотлар ҳамда сув истемолчилари уюшмалари зиммасига юклатилган. Тизимнинг мўрда ишлаши учун унинг ташкил этувчи барча элементлари ишчи ҳолатида бўлиши лозим.

Гидротехника иншоотларини эксплуатация даврида уларнинг ҳолатини доимий равишда назорат қилиб боришлари ва унинг техник ҳолатини яхшилаш бўйича ўз вақтида чора-тадбирлари қабул қилишлари керак. Гидротехника иншоотлари ҳолатига баҳо бериш тизими равишда эксплуатация жараёни ҳам давом этиши керак. Бу жараёнда гидротехника иншоотларининг тегишли ташкилотлар томонидан мунтазам кўрикдан ўтказиб туришлари, иншоотлар ҳолатини назорат органлари текшириб туришлари талаб этилади (2).

Ҳозирги вақтда мамлакатимизда сув ресурслари чекланиб бораётганлиги сабабли, сув кутарилиши қурилиши соҳасида уларнинг кулами биров камайганлиги қузатилмоқда, аммо амалда мавжуд гидротехника иншоотларини қайта қуриш, сифатли тамирлаш, реконструкция орқали уларнинг хизмат қилиш даврини узайтириш кун тартибдаги долзарб масалалардан бирига айланади. Юқоридагилардан келиб чиқиб ўшбу битирув малакавий ишига «Наманган» вилоятида жойлашган «Жийдалисой» сув омборидан фойдаланиш тадбирларини ишлаб чиқиш, мавзуси танлаб олинди.

Ишнинг мақсади:

Мазкур иншоотнинг лойиҳавий маълумотларини ўрганиб чиқиш ва уни таҳлил қилиш орқали эксплуатация давридаги иншоот ҳолатига баҳо беришдан иборат.

Ишнинг вазифаси:

Ўшбу иншоот ҳолатига эксплуатация давомида руй берган камчиликларни бартараф этиш ва иншоот эксплуатациясини яхшилаш юзасидан чора-тадбирлар, таклиф ва тавсиялар ишлаб чиқиш билан иншоотнинг хизмат қилиш муддатини узайтиришга эришишни уз ичига олади

1. Умумий қисм

1.1. Жийдалисой сув омборининг жойлашган ўрни.

Биз битирув малакавий ишимизда куриб чиқаётган “Жийдалисой” сув омбори Жийдалисой дарёсида қурилган бўлиб, ГУРУМСАРОЙ посилкасида 8 км шимолроқда жойлашган. Маъмурий жihatдан Наманган вилоятининг Поп туманига тегишли.

Ушбу сув омбори дарё ўзанидан ташқарида жойлашган қурилма типдаги иншоот ҳисобланади. Суви чадак дарёсидан 23,5 км узунликдаги келтирувчи канал орқали олиб келинади. Сув омборининг оқимни постлаш тури мавсумий ҳисобланади. Сув омбори янги сугориладиган 1400 гектар ерни сугоришга ва 80 гектар майдондаги ерларни сув билан таъминланишини яхшилашга мўлжалланган.

Сув омборининг район даражаси лойиҳа бўйича 8 ва 11 ва КМ ва К бўйича ҳам 8 баллни ташкил этади, иншоотининг синфи =II деб қабул қилинган бош лойиҳачи Фаргона гидрoвoдхoз ва институтлари ҳисобланади.

Бош пудратчи ташкилот – «Наманган строй грести» бўлиб, сув омбори 1980-йилда куриб битказилган ва ҳозиргача реконструкция ишлари олиб бoрилади.

1.2. Иқлимий шароитлари

Худуднинг иқлими кескин континентал, ёзда иссиқ ва қишда совуқ. Қўп йиллик давр ичида ҳавонинг ўртача йиллик ҳарорати 14,6⁰С ни ташкил этади. Ёнг иссиқ ой июл (+27,9⁰С), ёнг совуқ ой январ (-0,8⁰С).

Максимум ҳарорат (+41⁰ С), абсолют минимум (-28⁰С) га тенг. Ёнг катта ёғингарчилик микдори куз қиш ва баҳор ойларига тўғри келади. Ёз ойларида ёғингарчилик кам тушади. Ёғингарчиликнинг максимал микдори март, май ойларига тўғри келади ва жала, ёмғир шимолдан ва шимоли ғарбдан совуқ ҳаво массаларининг келиши натижасида момақалдироқлар билан тавсифланади.

Тоғ олди худудларида ёғингарчиликнинг катта қисми қор кўринишида тушади, у кам микдорга тушади, ва тошқин сувларининг шаклланишида эриган қор сувлари катта рол уйнайди.

Сув омбори жойлашган худуд учун водий шамоллар шимолий йўналишга эга бўлган маҳаллий шамоллар ҳисобланади. Қишда шимолий йўналишдаги шамоллар 30% дан 40% гача такрорланади.

Шимолий йўналишдаги шамол тезлиги 2-3 м/с дан катта бўлмайди. 1% ли таъминланишда 26 м/с, 4% лида 22,7 м/с, 30% лида 12 м/с ни ташкил этади.

Худуднинг иқлимий кўрсаткичлари 1.1 жадвалда келтирилган.

Сув омбори худудининг иқлим курсаткичлари													
Курсаткичлар	Ойлар												
	I	II	III	IV	V	VI	VII	VIII	IX	X	XI	XII	Уртача йиллик
1. Ўртача ҳаво ҳарорати $T^0 C$	-0,8	2,7	8,6	16,3	21,8	25,7	27,9	26	21,1	14,6	6	0,7	14,6
2. Ёғингарчилик миқдори, мм	15,6	23,4	22,3	21,3	11,2	12,3	5,5	1,13	3,11	7,22	20,7	1,7	16
3. Ҳавонинг абсолют намлиги мм	4,44	5,51	7,37	10,2	12,2	14,6	16,7	15,8	12,5	9,22	6,4	4,03	9,97
4. Ҳавонинг нисбий намлиги мм	76	75	68	58	49	45	45	49	51	60	70	77	60
5. Сув сатхи юзасидан буғланиш миқдори мм	-	-	28	56	94	140	196	187	140	75	19	-	93,5
6. Шамолнинг ўртача тезлиги м/с	1,2	1,5	2	2,4	2,5	2,2	1,7	1,5	1,5	1,5	1,4	1,1	1,7
7. Шамолнинг максимал тезлиги м/с	15	25	20	26	20	20	23	18	20	12	21	21	23

1.3. Геологик шароитлари

Жийдалисой сув омбори жойлашган ҳудуд адирликлар билан ўраб олинган. Сув омбори тўғони ва сув омбори хавзаси участкасининг геологик тузилиши тўртламчи ёнидаги қоямас грунтларидан ташкил топади. Тўғон замини чуқунчанлик хусусиятлигига эга бўлган лойсимон грунтлардан иборат. Улар қишлоқ ва соҳил тупроқ қурғинида катта ғовақлик ва чуқувчанлик хусусиятига эга. Тўғоннинг ўнг томонидаги жинслар қатламининг чуқувчанлиги 10 м гача бўлган чуқурликда жойлашган. Грунтлар намланганда ўзининг оғирлиги таъсирида 20 см гача чуқиб кузатилади.

Грунтнинг ғовақлиги 46% ички ишқаланиш бурчаги $\alpha=22^{\circ}$, грунт зараларини қовушқоклиги $0,14 \text{ кг/см}^2$, грунтнинг ҳажмий оғирлиги $1,4-1,57 \text{ кг/м}^3$

1.4. Гидрогеологик шароитлари.

Гидрогеологик шароитлар бўйича ҳудуднинг тоғ олди текислигида пролювиал алювиал грунт сувларининг туйилиш манбааси қишлоқ ва баҳор фаслларида атмосфера ёғингарчиликлари туфайли ҳосил бўлган ер ости оқими ҳисобланади.

Ётқизикларда қатламлар орасидаги сувлар мавжуд. Ҳудуднинг катта қисмига улар ўзи оқиб чиқади, қатламлар орасидаги сувнинг минерализацияси 1дан 3гача базида 10м/лмгача бўлади. Пезометрик сатҳ ер юзасидан 3 дан 20 м баландликкача ўрнатилади. Тоғ олди ҳудудларининг конусли қисмларида грунт сувлари 5 дан 100 м гача қизитилгач, улар қучуқ ва босимли режимида ҳисобланади.

Конусли участкаларнинг ташқарисида пролювиал-алювиал пасайган участкаларнинг текис қисмларига грунт сувлари деярли тулиқ сув оқимлари юзасига оқиб чиқади. Уларнинг бир қисми буғланишга сарфланади. Қадимий конус сойларининг ташқарисида грунт сувлари 10-ром чуқурликда кузатилади.

Дарё водийсида қайтар грунт сувлари оқими ҳаракат қилади. Бу ерда улар 0 дан 8 м гача, базида 10 м чуқурликда ётади. Грунт сувлари қучсиз минераллашган, қумли участкаларида грунт сувлари алоҳида линза қурғинида учрайди.

Халқ хўжалигида фойдаланишда ер юзасига яқин жойлашган тўртламчи ётқизиклардаги сифати яхши бўлган грунт сувларидан фойдаланиш мумкин. Бу грунт сувларининг минераллашганлиги қучсиз, тез эрийдиган, тузлар миқдори ўртача - 0,42% ни ташкил этади.

2. Техник эксплуатация қисми

2.1. Жийдалисой сув омборларига доир лойиҳавий маълумотлар ва иншоотларининг қисқача тавсифи.

Жийдалисой сув омбори “Ўздавсувлойиҳа” институти томонидан лойиҳаланган 1968-1970 йилларида қурилган ва 1970-йилда фойдаланишга топширилган. Ҳудуднинг сейсмиклиги лойиҳа ва ҚМҚ бўйича 9 балл. Сув омборидаги таркиби барча иншоотлар капиталлиги бўйича III синфга киради.

Сув омборларининг лойиҳавий параметрлари

-Нормал сатҳ

НДС – 722,5 м:

-НДС да сув омборларининг максимал узунлиги 0,425 км:

-НДС да сув омборининг максимал кенлиги -0,35 км:

-НДС да максимал сув чуқурлиги -12 м:

-НДС да ўртача сув чуқурлиги -5м:

-НДС да сув хавзаси юзаси -0,1км²

Сув омбори гидроузели таркибига қуйидаги иншоотлар киради.

-Тўғон:

- Минорали сув чиқариш иншооти:
- Катострафик сув ташлаш иншооти:
- Кетувчи канал:

2.1.1. Тўғон

Тўғон бир жинсли маҳаллий соз тупроқдан барпо этилган. Тўғоннинг максимал баландлиги 18,2 м: ўртача 23 м тепасининг узунлиги 23 м ва кенглиги 5,0 м. Тўғон тепаси 724,0 м белгида. Тўғон қийалик коэффициентлари юқори -4,0. Юқори ва пастка қияликларга қалинлиги 50 см ли қум шағал аралашмаси ётқизилган.

Юқори қияликни шамол тўлқини таъсирида ҳимоялаш учун модалит бетон билан ва қисман плиталар билан қопланган.

Дипрессия эгри чизиғи ҳолатини пасайтириш мақсадида тўғоннинг паски қисмида Гренаж лойиҳаланган. Дренаж узунлиги 125,0 мм қувур кўринишида бажарилган. Қувурнинг марказий қисмида асбестоцемент қувур перфоратсия қилинган. Қувур шағал қум грунтли филтрда ётқизилган.

2.1.2. Сув чиқариш иншооти

Сув чиқариш иншооти қувурли минорали турга лойиҳаланган. Тўғоннинг марказий қисмида жойлашган.

Сув омборини бўшатиш учун мўлжалланган. Иншоотнинг ҳисобий сув сарфи 1 м³/с қувурнинг умумий узунлиги 122,45м. Сув чиқариш иншоотининг таркибига кириш каллаги сув ўтказувчи қисм минора ишчи затворлар хонаси сув чиқаргичнинг кетувчи участкаси қиради.

Кириш каллаги остонаси 910,30 м белгида ўрнатилган.

Узунлиги 3,0 м, кенглиги 3,5 м, баландлиги 1,4 м ли тўғри бурчакли темир бетон қутини ифодалайди. Кириш каллаги устида ушловчи панжара ўрнатилган.

Сув ўтказувчи қисм диаметри 529 мм ли иккита металл қувурдан бажарилган. Калладан минорагача 37,45 м узунликда икки қатор қувур минорадан затворлар камерасигача ҳам ички қатор қувур ётқизилган. Минорадан дренаж сувларини чиқариб юбориш мақсадида улар орасида диаметри 200 мм ли участкада қувур пастки бефга томон нишаблик билан ётқизилган. Гидравлик тушиш 1,8 м ни ташкил этади.

Сув чиқариш иншооти минорасининг баландлиги 14,85 м ўлчамлари 4,5х4,0 м. Миноранинг юқори қисмида хизмат қилувчилар хонаси жойлашган. Минорага таъмирлаш задвежжалари ўрнатилган.

Ишчи затворлар камерасининг ўлчамлари 4,0 х 3,5 м, баландлиги 5,0 м қувурнинг охирида жойлашган.

Сув сарфларини ташлашни бошқариш учун камерага иккита задвежка ўрнатилган. Сув чиқариш иншоотини кетувчи участкаси трапеция шаклидаги икки қаторли қудукни ифодалайди.

Биринчи қудуқ чуқурлиги 1,0 м ва узунлиги 9,0 м иккинчисининг чуқурлиги 6,0 м. Улардан кейин $L_p=10$ пароболик лотакдан бажарилган кетувчи канал бошланади.

2.1.3. Катострафик сув ташлаш иншооти.

Катострафик сув ташлаш иншооти очик фронтал турга лойиҳаланган. Кўндаланг кесим трапетция шаклида тўғоннинг чап ёнбағрида қурилган. Унинг водослив НДС =722,50 м белгида ўрнатилган. Сув ўтказиш қобиляти 1,5 м³/с. Умумий узунлиги 121,1 м. Сув ташлағичнинг кириш қисми трапетция шаклидаги кенг остонали водосли кўринишида бажарилган. Остона кенглиги 4,0 м қиялак коэффициентлари $m=4,0$ м.

Сув ташлагичнинг сув ўтказувчи қисми трапетция шаклида, тубининг кенглиги 8,0 м туби ва қияликларда нормал бруслар туридаги сунъий ғадур-будурликлар ўрнатилган. Сув ўтказувчи қисмнинг оқимида чуқурлиги 0,5 м узунлиги 6,0 м ва қиялик коэффициентлари $m = 1,5$ булган сув урилмакудук ўрнатилган. Ресбернанинг узунлиги 5,0 м диаметри 10-20 см ли тошдан бажарилган.

2.2. Гидрометрик постли мустаҳкамланган узан гидравлик ҳисоби.

Гидрометрик постли мустаҳкамланган узан котострафик сув ташлаш иншоотининг кетувчи каналга ўрнатилади. Бундай иншоот сув сарфларини мунтазам кузатиш ва ўлчаш аниқлигини ошириш учун хизмат килади.

Гидравлик ҳисоб учун қуйидагилар берилган.

1. Каналдаги сув сарфи $Q=1,5 \text{ м}^3/\text{с}$

2. Канал тубининг кенглиги $b=1,5 \text{ м}$

3. Каналдаги сув чуқурлиги $i=0,000049$.

Мустаҳкамланган узан узунлигини аниқлаймиз.

$$L_m=(2-8) b=6*1,5=9,0\text{м}$$

Бунда b -канал тубининг кенглиги (1,5м) сатх ўлчаш кудуғи створ қуйидаги масофага ўрнатилади.

$$L_a=(0,3-3,0)=2*1,5=3,0 \text{ м}$$

Сатх ўлчаш рейкаси створдан қуйидаги масофага жойлаштирилган.

$$L_p=(0,2-1,0) b=1,0*1,5=1,5 \text{ м}$$

Гидрометрик куприк мустаҳкамланган узан бошланишдан қуйидаги масофада урнатилади.

$$L_{k_o'p}=(0,4-0,5)l_m=0,5*9=4,5\text{м}$$

Мустаҳкамланган створга канал тубига қуйидаги масофада баланд қилиб ўрнатилади.

$$P=(0,05-0,2) h=0,2*1,3=0,26 \text{ м.}$$

Мустаҳкамланган узаннинг сув ўтказиш қобилияти шеzi формуласидан аниқланади.

$$Q=wc\sqrt{Ri}: \text{м}^3/\text{сек}$$

Бунда

W -жонли кесим юзаси

R -гидравлик радиуси

C -Шези коэффициенти

i -канал тубининг нишаблиги

Жонли кесим юзаси

$$W=(b+m+r) h:\text{м}^2$$

Хулланган параметр

$$X=b+2h\sqrt{1+m^2}: \text{м}$$

Гидравлик радиуси

$$R= w/x:\text{м.}$$

Ғадур-будурлик коэффициентти $n=0,17$ булганда Шези коэффициентти.

$$C=1/4 R^{1/6}:\text{м}^{0,5}/\text{с.}$$

Мустаҳкамланган узон $Q=f(h)$ эгри чизикли графигини куриш учун сув оқими чуқурликларга бир нечта ихтиёрий кийматлар бериб ва ушбу чуқурликларга мос келадиган гидравлик параметрлар ҳисобланади. Ҳисобни жадвал курунишида олиб борамиз.

2.1 жадвал. Мустаҳкамланган узан гидравлик ҳисоби.

N	B	m	n	W	X	K	C	i	Q
m	m			M ²	m	m	M ^{0,5} /s		M ³ /s
0,5	1,5	1,5	0,017	1,113	3,3	0,342	49,22	0,000049	0,23
1,0				3,0	5,1	0,589	53,87		0,87
1,5				5,63	6,9	0,816	58,87		2,10

2.1. жадвал ҳисоблари асосида $Q=f(h)$ эгри чизикли боғланиш (2.2 расм)

2.3. Сув чиқариш иншоотининг сув ўтказиш қобилиятини текшириш.

Берилган куйидаги маълумотлар асосида сув чиқариш иншоотининг сув ўтказиш қобилияти текширилсин. Сув чиқариш иншооти минорали турга лойиҳаланган. Иншоотнинг сув ўтказувчи қисми қувурли турга. Қувурлар планда иккита чизик яъни икки катор жойлаштирилган. Қувур диаметри 529 мм қувурнинг умумий узунлиги 120 м. қувур узунлиги буйича иккита задвешка ўрнатилган.

Қувурнинг сув ўтказиш қобилияти 1,0 м³/с. Қувурнинг умумий узунлиги буйича босимли режимда ишлайди. Нормал димланган сатх белгиси НДС – 722,50 м таъсир этувчи босим НДС белгиси 722,50 м минус 708,50 (қувур чиқиш кесими) га тенг бўлади. Яъни $H=722,50-708,50=14$ м. Ҳисобий схема 2.3- расмда келтирилган.

Ҳисобларни битта қувур учун олиб борамиз. Босимли қувурнинг сув ўтказиши қобилиятини куйидаги формуладан аниқлаймиз.

$$Q = M \text{ ev } \sqrt{2gHa}; \text{ m}^3/\text{s}$$

Бунда $H_a=H$ - таъсир этувчи босимж

M-тизимнинг сарф коэффициентти

$$M = 1/\sqrt{1+\sum}$$

Бунда $\sum$ - маҳаллий ва буйича қаршилиқ.

Коеффитсиентлари йиғиндиси.

Бунда $\sum \sum$ - маҳаллий қаршилиқ коеффитсиентларининг йиғиндиси.

Бунда - киришдаги коеффитсиентти.

Бунда а-панжара баландлиги (70мм)

t-панжара стерженларининг калинлиги (10 мм)

s-панжара стерженлар орасидаги масофа (15мм)

S-тугри бурчакли стерженлар учун 0,504 га тенг.

Шунда

Кувур узунлиги буйича узунлик коэффициентти

Бунда - гидравлик каршилиқ коэффициентти

l-кувур узунлиги (120м)

d-кувур диаметри (0,529).

Гадур-будурлик коэффициентти $n=0,014$ ва $R=0,25$ $d=0,25*0,529=0,132$ булганда
Шези коэффициентти

2.4. Ўтказадиган заминда бир жинсли дренажли тўғон фелтезатция ҳисоби.

Берилган қуйидаги маълумотлар асосида тубидан сув ўтказадиган заминдаги бир жинсли дренажли тўғон филтрация ҳисоботи бажарилсин. Тўғон баландлиги $H_T=18,2$ м. юкори ва пастки бьефлардаги сув чуқурликлари. $H_1=16,7$ м ва $H_2=0$ тўғон тепасининг кенглиги $b_T=5,0$ м. НДС дан тўғон тепасигача булган масофа $d=1,5$ м юкори қиялик коэффициентти $m_1=4,0$ м: пастки қиялик коэффициентти $m_2=3,0$ 4,0. Пастка қиялик фермаси кенглиги $b_{fer}=4,0$: сув ўтказадиган катлам чуқурлиги $T=10$ см: Тўғон тепасининг филтрация коэффициентти $K_T=0,01$ м/сек.

Тўғон заминининг фелтерация коэффициентти $R_z=0,4$ м/с.

Филтерация ҳисоби натижасида тўғон танасига депрессия эгри чизигининг ҳолатига солиштира филтрация сарфи аниқлансин. Ҳисобий схема 2.4-расмда келтирилган.

Эквивалент профил кенглиги қуйидаги формуладан аниқланади.

Бунда - тўғон юкори қиялигини НДС-билан кесишган

Жойидан координата укигача булган масофа

Бунда - юкори қиялик ётиклигини ҳисобга олувчи

Коэффициенти.

$$L_{xis} = 7,35 + 4,0 * 1,5 + 5,0 + 3,0 * 8,0 + 4,0 + 4,0 * 10,2 - 2,0 * 1,0 = 83,3 \text{ м.}$$

Тўғон оркали утадиган солиштира фелтератция сарфи қуйидаги формулада аниқланади.

$X=$ дан $X=L_{xis}$ -лар оралигида X га бир нечта ихтиёрий қийматлар бериб депрессия эгри чизигини координатали курилади. Ҳисобни жадвал курунишида қуйидаги формула буйича олиб борамиз.

Депрессия эгри чизигини координаталарни аниқлаш ҳисоби.

X_2 , м	10	20	30	40	50	60	70	80
Y_1 , м	15,3	12,2	11,2	8,8	6,6	4,8	3,2	1,3

2.3 жадвал ҳисоблари асосида тўғон кундаланг профилига депрессия эгри чизигини курамиз. (2.4 расм)

Тўғон замини оркали утадиган солиштирма сув сарфини аниқлаш учун тўғон товони кенглиги

$$B = b_T + b_{\text{bor}} + m_1 H_T + m_2 h_1 + m_2 h_2 = 5,0 + 4,0 + 4,0 \cdot 18,2 + 3,0 + 8,0 + 4,0 \cdot 10,2 = 146,3 \text{ mva}$$

Буйича тузатиш коэффициенти $n=1,16$ м қабул қиламиз. Тўғон замини оркали утадиган солиштирма филтрация сарфини қуйидаги формула ёрдамида аниқланади.

Умумий солиштирма филтрация сарфи.

2.5. Тўғон пастки қиялигини устиворликка текшириш.

Берилган қуйидаги маълумотлар асосида тўғон пастки қиялигини сирпанишига қарши устиворлик захира коэффициенти аниқлансин. Тўғон танаси соз тупрок ва замини кумок тупрокдан ташкил топган. Соз тупрокнинг солиштирма огирлиги $s=271 \text{ T/m}$ говаклиги

$N=0,35$. Табiiй ҳолатдаги ички ишқаланиш бурчаги
солиштирма тишлашиши ва сувга туйинган ҳолатдаги
Кумок тупрокнинг солиштирма огирлиги говаклиги
табiiй ҳолатдаги ва сувга туйинган ҳолатдаги

Тўғон баландлиги уртача пастки қиялик коэффициенти
Тўғон тепасининг кенглиги $v=10 \text{ м}$. Иншоотнинг капиталлик синфи III.

Тўғон қиялигининг устиворлик ҳисобини айланма цилиндр сиртнинг сирпаниши усулида олиб борамиз (2.4-расм). Фандейев сирпаниш эгри чизигини ДЗЗО тугри туртбурчак ичда жойлаштиришни тавсия этади. Бу туртбурчакни қуриш учун пастки қиялик уртаси (В нукта)дан вертикал ва қияликка 85° бурчак ҳосил қилиб чизик чизилади. Сунгра жадвалдан BD ва BZ радиусларини ҳисоблаймиз ва DD ва ZZ ёйларини чизамиз.

$$BD = K_1 H_T = 1,25 \cdot 18,2 = 22,75 \text{ м}$$

$$BJ = K_2 H_T = 4,3 \cdot 18,2 = 78,26 \text{ м.}$$

Бунда K_1 ва K_2 кийматларини тўғон паски қиялик коэффициентининг қабул қилинади. DD JJ сектори учда сирпаниш нуктаси D ни танлаймиз. Ундан K радиусли жойни чизамиз. Бу жой тахминан тўғон тепасини ярми ва заминининг бир қисмини уз ичига олиши керак.

Тўғон пастки қиялигида таъсир этувчи кучларни аниқлаш учун AA В Г А массиви $v=0,1$ $R=0,1$ $5,0=5 \text{ м}$ кенгликда булмаларга булинади ва нолинчи сирпаниш марказидан ўтказилган чизикка симетрик қилиб икки тарафга жойлаштирилади.

2.3. жадвал

Тўғон пастки қияликка тасир этувчи кучларни аниқлаш ҳисоби

			H ₁	H ₂	H ₃	H _{кел}									
9	0,84	0,54	3,0	-	-	3,0	2,5	1,6	7 ⁰	0,122	0,2	3,9	6,1	23,8	
8	0,80	0,60	4,5	3,0	-	6,2	5,0	3,7	20 ⁰	0,364	1,40	1,3	17,4	22,6	
7	0,70	0,72	3,8	7,0	-	7,7	5,4	5,5			2,0				
6	0,6	0,80	3,5	14,5	-	11,7	7,1	9,4		2,25	21,2	0,3	57,6	17,3	
5	0,5	0,86	2,5	9,0	3,0	9,4	4,7	8,1			18,2				
4	0,4	0,92	2,0	8,5	5,0	10,3	5,4	9,5			21,4				
3	0,3	0,955	3,0	7,5	10,0	13,3	3,4	12,7			28,6				
2	0,2	0,98	2,5	6,3	8,0	10,9	2,2	10,7			24,1				
1	0,1	0,995	2,0	5,5	9,0	10,5	1,1	10,4			23,4				
0	0,0	1,0	2,0	4,5	9,0	10,0	0,0	10,0			22,5				
1	0,1	0,995	1,5	3,3	8,8	8,7	0,9	8,7			19,6				
2	0,2	0,985	1,3	2,0	8,0	7,3	1,5	7,2			16,2				
3	0,3	0,955	1,0	1,5	7,0	6,1	1,8	5,8			13,1				
4	0,4	0,92	1,0	0,6	5,0	4,3	1,7	3,9			8,8				
5			3,0	-	-	3,0	1,4	2,7			6,1				

 $\Sigma=29,5$ $\Sigma=239,4$ $\Sigma=63,7$

Бунда

ишқаланиш кучи.

-тишлашиш кучи

-хусусий огирликдан силжиш кучи

-филтрация окимининг гидродинамик
босимдан силжиш кучи. —

филтрациОкимининг гидродинамик
босимдан силжиш кучи.

Сирпаниш массиви зонасида филтрация окимини юзаси.

Уртача градиент

Аниқланган кийматларини формулага қуйиб пастки қиялик устиворлик захира
коэффициентини аниқлаймиз

Демак тўғон пастки қиялигининг устиворлиги таъминланган.

2.6. Жийдалисой сув омбори гидроузели эксплуатация хизмати структураси.

Эксплуатация хизмати штати ва ходимларининг лавозимий мажбуриятлари.

2.6.1. Сув омбори гидроузели эксплуатация хизмати структураси ва эксплуатация хизмати штати.

Битирув малакавий курилаётган Корамурод сув омбори. Подшо-ота-чодалк ирригация тизимиға қарайди. Крамурод сув омбори эксплуатация хизмати бошқарма бошлиғи, бошлиқнинг биринчи уринбосари, марказий диспетчерлик хизмати таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва мониторинг ҳамда ирригация тизимлари ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш, транспорт механизация ва таъминот материаллари ва ўрнатиладиган ускуналар ҳамда асосий воситаларни таминоти бухгалтерия ҳисоби ва иктисодий таҳлил секторлари ва сув омборлари эксплуатация хизмати ходимлари томонидан амалға оширилади.

Корамурод сув омборининг гидроузели эксплуатация хизмати штати 2.4-жадвалда келтирилган.

№	Лавозимлар сони	Ходимлар сони
1	2	3
2	Бошқарма бошлиғи	1
3	Бошлиқни биринчи уринбосари	1
3	Кадрлар ва юридик хизмати	
	Сактори	

	Кадрлар буйича бош энспектор	1
	Бош мутахассис	1
4	Бухгалтерия ҳисоби ва	
	Иктисодий таҳлил сектори	
	Бош ҳисобчи	1
5	Марказий диспетчерлик	
	Сектори	
	Бош диспетчер	1
6	Транспорт механизация	
	Ва таъминоти сектори	
	Бош мутахассис	1
7	Тамирлаш ишларини	
	Ташкил этиш ва мониторинг	
	Хамда ирригация	
	Тизимлари ва гидротехника иншоотларидан	
	Фойдаланиш сектори	
	Сектор бошлиги	
	Бош гидротехник	1
8	Материаллар ўрнатиладиган	
	Ускуналар хамда	
	Асосий воситаларни	
	Таъминоти сектори	
	1-тоифали муҳандис	1
	2-тоифали муҳандис	2
9	Корамурод сув омбори	
	Сув омбори	1
9	2-тоифали муҳандис гидротехник	1
	Участка электромеханиги	1
	диспетчер	4

	Мухандис	1
	1-тоифали техник гидротехник	1
	Жами:	21

2.6.2. Эксплуатация хизмати ходимларининг лавозимий мажбуриятлари.

Бошкарма бошлиги бошкарманинг молиявий техникавий молиявий ҳамда ишлаб чиқариш фаолиятига умумий рахбарлик килади. Бошкарма ходимлари уртасида бажарилган ишларни мутаносиблигини назорат килади. Сув ресурслардан фойдаланишда иншоотлар фаолиятини назорат килади. Иншоотларда сув йиғиш чиқариш ва ўтказиш тугрисидаги курсатмаларни бажаришни назорат килади. Сел тошқин даврида фавкулотда вазиятларни олдини олиш учун барча техникавий ва ишчи кучларни керакли мақсадга жалб этади. Юарча турдаги хужжатларни расмийлаштиришда конун талабларига тула амал қилишни таъминлайди. Гидротехника иншоотларидан фойдаланиш тамирлаш ва қурилиш ишларида ҳамда захира материалларини тайёрлашда таъминот ишларини назорат килади. Бошкарма ишчи ходимларини ижтимоий-иқтисодий ҳимоялаш меҳнат муҳофазаси бўйича тадбирларни ташкил этиш. Бошликнинг биринчи уринбосари марказий диспетчерлик бўлими, сув ресурслари баланси гидрометрия гидротехника иншоотлари фаолияти устидан назорат килади. Тэгишли ташкилот томонидан ўрнатилган сув лимитини истъёмолчига етказилишини, етказиб берилган. Сув ресурсларини аниқ ҳисоб китобини олиб борилишини назорат килади ва фойдаланиш тезкорлигини оширади. Об-хаво шароити ва бошқа сабабларга кура сув бериш лимитига узгартиришлар киритиш тугрисида таклиф беради. Гидротехника иншоотларини фойдаланишда табиатни муҳофаза қилиш қоидаларига амал қилиш юзасидан назорат олиб борилади.

Бош ҳисобчи ташкилотнинг молиявий-хужалик иқтисодий фаолиятини конуний бажарилишига риоя килади. Кунлик бухгалтерия ҳисоботини натурал тушум ва чиқимни ҳисобга олиб боради. Хар ойнинг охирида материал жавобгар ходимлардан ҳисоботни қабул килади. Бошлик тасдиқлагандан сунг ҳисоботга ўтказди. Тегишли ташкилотларга белгиланган муддатда белгиланган шаклда ҳисобот беради. Бошкарманинг тасдиқланган йиллик сметаси иш режасининг тулик бажарилиши учун жавоб беради, улар хар ойда тахлилини юритади. Тахлиллардан хулоса чиқариб тезкор режа тузадилар. Ташкилотлар уртасида дебитор ва кредитор ҳолатига йул қуймайди. Ходимларнинг ойлик иш ҳақларини уз вақтида бажарилишини таъминлайди, расмийлаштиради, бажарилишини назорат килади. Сакланиш учун жавоб беради. Белгиланган тартибда барча моддий кийматликларни санокдан ўтказиб турилишини ва аниқланган камчиликларни бартараф этиш бу тугрида бошкарма бошлигига уз вақтида ахборот бериб камчиликларни кузатилишни таъминлайди.

Марказий диспетчерлик сектори бош диспетчерлик бошкарма мамурияти томонидан берилган топшириқларни участкаларига етказиш бўйича масул ҳисобланади. Юқори ташкилотлардан келадиган хабарномаларни руйхатга олиниши тегишли ходимларга етказилиши ва уз вақтида бажарилишини назорат килади. Бўлимларга ва бошкармага диспетчерлик хизмати хоналарни жихозланиши алоқа воситаларини ишчи ҳолатга бўлишини таъминлайди. Сел тошқин даврида диспетчерлик хизматини тармок ходимлари фаолиятини мувофиқлаштириб бевосита рахбарлик килади. Бошкармага юқори ташкилотлардан бериладиган бирламчи ва иккиламчи сув истъёмолчилари ишини ташкил қилиш ишларида бевосита иштирок этади. Шу тугрида тегишли ҳисобот ва маълумотлар тайёрлайди.

Таъмирлаш ишларини ташкил этиш ва мониторинг ҳамда ирригация тизимлари ва гидротехника иншоотларидан фойдаланиш сектори бошлиги бошкарма тасарруфида

иншоотларга курилиш-таъмирлаш ишлари буйича ойлик чораклик ва йиллик ҳисоботларни тайёрлайди. Иншоотларни техник ҳолатини доимий равишда назорат қилиш камчиликлари аниқлаб далолатномалар тайёрлаш ва смета тузиш пудратчи ҳамда буюртмачи ташкилотлар билан шартнома тузишни расмийлаштиришда иштирок этади, пудратчи ташкилотларнинг бажарган ишлари сифатини ва ҳажмини аниқлаб қабул қилиш ҳужжатларини иулов учун расмийлаштириш вазифаси юклатилади. Курилиш материалларига булган эҳтиёжни асослаш учун ҳужжатлар тайёрлайди. Таъминотчи ташкилотга тақдим этади. Материаллар ҳисоботини курилиш материалларини чиқимини назорат қилади. Бажарган курилиш-таъмирлаш ишларини ижро ҳужжатларини тулик расмийлаштиришни таъминлайди. Капитал маблағлардан фойдаланиш буйича назорат олиб боради.

Транспорт-механизация ва таъминот сектори бош мутахассиси ташкилотга маълум муҳимизмлар шидромеханик ускуналар эҳтиёт қисмлар билан таъминлаш улардан белгиланган мёърда фойдаланиш кирим ва чиқим ҳужжатларини қонунийлаштириш учун жавобгардир. Механизмларнинг объектлари буйича жойлашуви бажарган ишнинг ҳажми тугрисида қўнлик маълумотларни тайёрлайди. Хўжалик ҳисобидаги бажариладиган ишларга бевосита раҳбарлик қилади.

Шартномалар тузиш буюртмачига бажарилган ишларни сифатли даражада текшириш пудрат ишлари ҳужжатларини қонуний расмийлаштириш учун жавоб беради. Машина ва муҳимизмлар ҳамда автотранспорт воситаларини жорий ва капитал таъмирланиши таъминот ишларини ташкил этади. Ёнилғи мойлаш маҳсулотлари ҳисоботи буйича мониторинг олиб боради ва назорат қилади. Машина муҳимизмлар ва автотранспорт воситаларини техник қўриқдан ўтказишни талаб қилади.

Материаллар ўрнатиладиган ускуналар ҳамда асосий воситаларни таъминоти сектори муҳандис ташкилот фаолияти учун талаб қилинадиган материаллар билан шугулланади. Таъминотчи ташкилотлар уртасида тендер савдоларни ташкил қилади. Сифатли арзон ва етказиб бериш қўлайликларига қараб таъминотчилар шартномаларни таҳлилни тендер йигилишларига тақдим этади.

Олинган ёнилғи мойлаш материаллари эҳтиёт қисмларининг ишлаб чиқарувчилардан олиниш сертификати бўлишлилиги ва республикада белгиланган қўнунларга мос қилишини таъминлайди.

Нэфт база шахобчасидан ёнилғи тақсимооти мёърини назорат қилади. Тедер савдолари, йигилиш баённомаларини ёзиб боради ва тасдиқлаш учун бошқарма раҳбариятига тақдим этади.

Сув омбори бошлиғи сув омборидаги барча иншоотларнинг барча конструкцияси ва техник ҳолатини яхши билиш улардан фойдаланишни яхшилаш тадбирларини мунтазам амалга оширади. Ўрнатилган режим буйича сув омборига сув тўплаш ва чиқаришга раҳбардик қилади.

Барча иншоотларнинг тугри ишлаши устидан назорат ўрнатади. Жорий ва капитал таъмирлаш ишларини ўз вақтида бажарилишига раҳбарлик қилади ҳамда назорат қилади. Камчиликлар далолатномаси таъмирлаш ва лойиҳа смета ҳужжатларининг бажарилиши буйича қалендар график тузишда қатнашади.

Йиллик ҳисоботларини тузади. Материаллар ускуналар уй-жойлардан ўрнатилган тартибда фойдаланиш ва сақлаш ҳамда ёритиш ва алоқа тизимини мунтазам ишлашини назорат қилади. Фавқулотда вазиятларда ншоат иш режимини ўзгартиради. Ишчи қўчи ва воситаларни сафарбар этишни ташкиллийтиради.

Муҳандис гидротехник барча гидротехника иншоотлари ва ишлаб чиқариш биноларини тугри ишлатишини таъминлайди. Сув омбори иншоотларини тугри ишлатишни таъминлайди. Сув омбори иншоотларини техник ишлатиш қоидаларини яхши билиш ва уларни тегишли қўдимлар томонидан бажарилишини назорат қилади барча сув омбори иншоотларини лойиҳаси ва ҳақиқий ҳолатини яхши билиши лозим.

Гидротехника иншоотларидаги нуксонлар шикастланишни уз вақтида аниқлаш ва зудлик билан тамирлаш ишларини ташкил этиш зарур. Сув омбори иншоотлари буйича техник хужжатларни уз вақтида тугри олиб бориш иншоотларни техник ишлатиш сарф-харажатларни камайтиришга эришиш ва иншоотларни ишлатишни такомиллаштириш буйича таклифлар киритади.

Хизмат курсатилган объектларга диффект кайдномаларини уз вақтида тузилишини тامينлаш керакли курилиш ва бошка материаллар учун уз вақтида баённомаларни такдим этади.

Электромеханик иншоотининг электр таъминоти тармогини назорат килади.

Иншоотдаги механик ва электр ускуналарини созлигини текширади. Камчиликларни аниқлаб таъмирлаш-мойлаш ишларини бажаради. Емирилган ускуналар деталларини алмаштиради. Назорат улчов асбоблари ишлашини назорат килади ҳисоб китобини олиб боради.

Тегишли туман электр тармоги билан таккослаш далолатномаларини тузиб бошкармага такдим этилади. Электр энергиясидан фойдаланишда хавфсизлик техникаси меҳнат муҳофазаси коидаларига риоя килади ва бошка ходимларга юналиш курсатади. Диспетчер сув омборига сув туплаш чиқаришни ўрнатилган режим асосида амалга оширади ва сув омбори бошлиги фармойишларини эксплуатация ходимларига етказди. Норин-Сирдарё ирригация тизимлари хавза бошкармаси ва ирригация тизими бошкармаси билан доимий алоҳида булишни таъминлайди. Фармоиш, телеграммаларни маълумотларни қабул килади ва тегишли ходимларга етказди. Авария содир булганда сув омбори бошлигига уз навбатда ирригация тизими бошлиги зарур ҳолларда хавза бошкармаси бошлигига хабар беради.

Сув омбори ходимларини иш жойларини бажарётган иш турлари затворларни бошқаришни мавжуд аппаратуралар ва алоқа воситалардан фойдаланишни маълумотларни журналларга қайт қилишни билиш шарт.

Техник-гидротехник узи хизмат курсатаётган иншоотнинг техник ҳолати ва эксплуатация коидаларини яхши билиш лозим.

Техник коидалар буйича гидрометрик улчовларни ўтказди, журналларини юритади. Иншоотнт эксплуатация қилишнинг техник коидалари бузилганлиги тугрисида далолатнома тузади.

2.7. Сув омбори гидроузели эксплуатация хизматининг асосий вазифалари.

Корамурод сув омбори гидроузели эксплуатация хизматининг вазифалари қуйидагилардан иборат.

1. Сув омбори гидроузели ва унда гидромеханик қурилмалар, ускуналар сув ўлчаш қурилмалари назорат ўлчаш асбоблари ёрдамчи ишлаб чиқариш бинолари ер казиш техникаси машина ва механизмларни беҳатар ишлашини ҳамда уларни техник ҳолатини таъминлаш.

2. Сув омбори гидроузелидан режага асосан сув олиш ва белгиланган муддатларга истъомолчига етказиб бериш. Шу мақсадда фойдаланиш режасини тузиш уни бажарилишини тامينлаш иншоотларни техник қурилмаларни ҳар куни беҳатар бошқариш.

3. Сув омборининг баржа иншоотларида ва улардаги гидромеханик ускуна қурилмалар сув ўлчаш қурилмалари, алоқа воситалари назорат йуллари техник ҳолатини куз билан кузатиб чиқиш ҳамда уларга техник қаровни ошириш.

4. Гидротехника иншоотлари хавфсизлиги тугрисидаги қонун ишлатиш коидалари меърий хужжатлар, курсатмалар, низомига мувофиқ назорат улчов асбоблар ёрдамида сув омбори иншоотларининг техник ҳолатини кузатиш ва улчов ишларини олиб бориш ушбу маълумотларни уз вақтида аниқлаш лозим булса, уларнинг техник
